

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 53 (1117) • 2016-yil, 16-dekabr, payshanba

Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи

Ассалому алайкум, кадрли ва тандошлар! Мухтарам Сенат Раиси ва сенаторлар! Хурматли Спикер ва депутатлар! Хонимлар ва жаноблар! Аввало, сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга муурожаат қилиб, менга юксак ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайлаган барча ватандошларимга чин қалбимдан яна бир бор миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Бугун, мана шу юксак минбардан туриб, юртимизда яшайдиган барча миллат ва элат вакилларига, мухтарам отахон ва онахонларимизга, муносибларимиз, навқирон ёшларимизга самимий ташаккур билдираман. Юксак инсоний фазилатлар соҳиб бўлган, меҳнатда ва бағрикенг халқимиз олдига бош эгиб тазйим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Сиз, азизларнинг, эл-юртимизнинг менга билдирган мана шундай юксак ишончини ўзим учун катта шараф ва улкан масъулият деб ҳисоблайман.

Ҳеч нарса билан қиёслаб, ўлчаб бўлмайдиган бундай олий ишончни оқлаш учун бор куч-қайратим, билим ва тажрибамни, бутун борлигимни бағишлагимга ваъда бераман.

Менинг номзодимни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кўрсатган ва бутун сайлов кампанияси давомида қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг барча аъзоларига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Шу билан бирга, муқобиллик асосида ўтган ушбу сайловларда иштирок этган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раиси Хатамжон Кетмоновга, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуродов ва «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши раиси

Наримон Умаровга яна бир бор ўз ташаккуримни изҳор этаман.

Фуркатдан фойдаланиб, менга ўз табрик ва қутловларини йўллаган барча хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар етакчиларига, сиёсат ва жамоат арбобларига, шунингдек, сайлов жараёнида ва ҳар доим бизга хайрихоҳ бўлиб келган, бугунги йил-йилишимизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг юртимиздаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларига ўзининг чуқур миннатдорчилигини, чуқур хурмат-эҳтиромини билдираман.

Кадрли юртодошлар! Барчамизга маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетақдор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса, ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади.

Ўзбекистонимизнинг кўп асрлик тарихи ва кейинги 25 йиллик ривожланиш даври, ўз давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган тараққиёти бу ҳақиқатни яна бир бор яққол тасдиқлаб берди. Ана шу бунёдкорлик жараёнининг қудратли ва халқ қилувчи кучи, ҳеч шубҳасиз, кўпмиллатли халқимиздир.

Ўзбек халқининг неча минг йиллик тарихида қандай мураккаб даврлар, оғир синовлар бўлгани барчамиз яқин биламиз.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ва биз эришган оламшумул ютуқлар мард ва матонатли халқимиз хар қандай қийинчилик, тўсиқ ва синовларни ўз кучи ва иродаси билан енгиб ўтишга қодир, деб баралла айташга тўла асос беради.

Биз аждодларимизнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлаб, қалбимизда, юрагимизда абадий сақлаймиз. Букилмас ирода, фидоийлик ва жасорат намунасини амалда намойён этиб, ўз ҳаётининг азиз Ватанимизнинг ҳар томонида равиқ топшига бағишлаган устоз ва мураббийларимиз, замондошларимиз билан биз чексиз фахрланамиз.

Мен бугун Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, бутун халқимизнинг сай-харакатларини Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, барчамиз учун азиз ва кадрли бўлган Ислам Абдуганиевич Каримов бизга васият қилиб қолдирган ягона мақсад йўлида бирлаштиришга даъват этаман.

Бу олижаноб мақсад — илҳом ва барқарор ривожланиш, эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишдан иборатдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга. Биз дунёдаги барча давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва амалий мулоқот учун очикмиз. Бўлиб ўтган демократик сайлов жараёни бунинг яна бир ишончли ва яққол тасдиғи бўлди.

Сайловни кузатиш учун дунёдаги 5 та нуфузли халқаро ташкилот ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчи катнашган сизларга яқин маълум. Айниқса, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси биринчи марта юртимизга ташриф буюрди. Яъни, ушбу халқаро гузланнинг 32 та мамлакатдан келган 200 нафарга яқин вакили — бу албатта кичкина гап эмас — айнан демократик тамойиллар таллаблари асосида сайлов жараёнини синчиклаб кузатиб борди.

Сайловда халқимиз ўзининг хоҳиш-иродасини, юксак сиёсий онги ва фаол фуқаролик позициясини ёрқин намойён этди. Бу, ўз навбатида, эл-юртимизнинг ўз тақдирини ва келажакни қандай қилиш ишонч ва масъулият билан қарор қабул қилишига эришди.

Сайлов натижаларини биз аввало ватандошларимизнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларга, яқин ва олис истиқбол учун белгиланган стратегик тараққиёт дас-

туримизга берган ҳолис ва ҳаққоний баҳоси, деб қабул қиламиз.

Сайлов сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат ва кураш, миллий қонуқчилигимиз талабларига, сайлов бўйича умумэтироф этилган халқаро стандартларга тўла мос ҳолда, эркинлик ва очиклик руҳида ўтганини барча чет эллик кузатувчилар очик ва баралла таъкидладилар.

Куни кеча Марказий сайлов комиссияси ҳам ўзининг сайлов натижалари бўйича яқиний хулосаларида шу ҳақиқатни яна бир бор қайд этди. Ҳеч шубҳасиз, бундай юксак эътироф, бундай юксак баҳо барчамизни қувватлади.

Мухтарам дўстлар! Бугун мен Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажаришга киришар эканман, буюқ давлат ва сиёсат арбоби, азиз устозимиз Ислам Каримовнинг ишларини давом эттирган ҳолда, 32 миллионлик катта халқ, катта мамлакатни бошқариш қанчалик масъулиятли ва мураккаб эканини, давлат раҳбари сифатида зиммадаги жуда улкан жавобгарлиқни ҳар томонлама чуқур ҳис қилиб, англаб туришман.

Биринчи Президентимиз ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди.

Буюқ Юртбошимиз нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳон миқёсида катта хурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилган эди. Шунинг учун ҳам устозимизнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича минглаб юртодошларимиздан қўллаб-қувватлаш ва тавсиялар келиб тушмоқда. Уларнинг барчаси айни пайтда атрофда ўрганилмоқда ва бу борада алоҳида қарор қабул қилинади.

2-3

ҚОЗОГИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

2016 йил 15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Нурсултон Назарбоев ва қардош Қозоғистон халқини тарихий сана — Қозоғистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги билан самимий табриқлади. Ўз навбатида Қозоғистон Президенти Ўзбекистон раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришгани билан муबारакбод этди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари сиё-

сий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган қатор минтақавий ва халқаро долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликнинг барча соҳалари бўйича амалий, ишончли ва очик мулоқотни давом эттиришга қатъий ишонч билдирдилар. Нурсултон Назарбоев Шавкат Мирзиёевни ўзига қўлай вақтда Қозоғистонга давлат ташрифи билан келишни таклиф этди. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Суҳбат анъанавий дўстлик, ҳамфикрлик, ўзаро ҳурмат ва самимият руҳида ўтди.

ЎЗА

САМИИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносибати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб Президент! Франция халқи ва шахсан ўз номидан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан табриқлаб, давлат раҳбари сифатида масъулиятли фаолиятингизда ва мамлакатда кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда улкан муваффақиятлар тилайман.

Шу муносибат билан давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик даражасига эътибор қаратишни истардим. Яқинда ўтган вазирилар учрашувлари бунинг ёрқин тасдиғидир. Муносибатларимиз,

жумладан, иқтисодиётнинг икки давлат корхоналари учун катта имкониятлар яратадиган турли соҳаларида янада ривожланишига ишонман.

Сизни минтақадан барқарорлиқни сақлаш, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар ривожланишга қаратилган ташаббусларингизни ҳаётга татбиқ этишда Франция қўллаб-қувватлашини таъкидламоқчиман.

Жаноб Президент, самимий ҳурматини қабул қилгайсиз.

Франсуа ОЛЛАНД, Франция Республикаси Президенти

4

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2016 йил 15 декабрь куни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва

хусусий тadbirkorликни ривожлантириш, қишлоқларда замонавий уйлар барпо этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида, ижтимоий соҳаларда муайян натижаларга эришилётганини таъкидлади.

4

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2016 йил 15 декабрь куни халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Мамлакатимизнинг барча худудлари каби Сирдарё вилояти ҳам энг илҳом ривожланиб бор-

моқда. Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2015 йил 9 мартдаги фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилган 2015-2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада тако-

4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ш.Ҳ.БОБОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Шукурулло Ҳабибуллаевич Бобоев Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 15 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

F.F.МИРЗАЕВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Гофуржон Ғаниевич Мирзаев Сирдарё вилоятининг ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 15 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

O.Ш.АШУРМАТОВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Ойбек Шодмонқулович Ашурматов Сирдарё вилоятининг ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 15 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ

Тошкентда 2016 йил 14 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари, вазирилик ва идоралар раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий омвий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди. У юртодошларимиз ўзининг юксак сиёсий маданияти, Ватанимиз тақдирини дахлдорлик туйғусини намойён этиб, 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол катнашганини таъкидлади. Сайлов жараёнида 5 халқаро ташкилот ва 46 давлатдан 600 га яқин кузатувчи кутатиб борди. Бу Ўзбеки-

стон Президенти сайлови демократик талабларга тўла мос тарзда, миллий сайлов қонуқчилиги ва халқаро стандартлар доирасида, очик ва ошқоранга ўтганининг ёрқин далилидир.

Юксак савияда ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номзоди Шавкат Мирмонович Мирзиёев сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоиз овозини олиб фойиб бўлди.

Марказий сайлов комиссияси раиси залда хозир бўлганлар ва сайловчилар номидан Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти Сайлов комиссияси раиси Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросими якунланди.

Танаффусдан сўнг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодни тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмомов бошқарди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 98-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан кўриб чиқилган учун Ўзбекистон Республикаси Президентига тавсия этилади.

Шунга мувофиқ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йилги сайловда Бош вазири лавозимига номзод кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига мамлакатимиз Бош вазирининг ўринбосари лавозимига ишлаб келаётган Абдулла Нигматович Арипов номзодини тавсия этди.

Биз бу масала бўйича жуда кўп ўйлаб, тегишли маслаҳатлар килдик.

3

САМИМИЙ КҮТЛОВЛАР

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING СЕССИЯСИ

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Хиндистон ҳукумати ва халқ номидан Сизнинг 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Президент сайловида ғалаба қозонганингиз билан самимий табриклайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Сиз, Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганингиз муносибати билан самимий кутлаб, мамлакатингиз барқарорлиги ва фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилаш менга мамнуният бахш этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Сиз, Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганингиз муносибати билан самимий кутлаб, мамлакатингиз барқарорлиги ва фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилаш менга мамнуният бахш этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Сиз, Жаноби Олийларини Исроил халқи ва шаҳсан ўз номидан Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганингиз билан самимий муборақбод этишга руҳсат бергайсиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Сиз, Жаноби Олийларини Исроил халқи ва шаҳсан ўз номидан Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганингиз билан самимий муборақбод этишга руҳсат бергайсиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Сиз, Жаноби Олийларини Исроил халқи ва шаҳсан ўз номидан Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганингиз билан самимий муборақбод этишга руҳсат бергайсиз.

- Шунингдек, куйдагилар ўз кутловларини йўлаган:
Қатар Давлати Амрининг Уринбосари - Абдуллоҳ бин Ҳамад Ол Сониий
Қатар Давлати Бош вазири, ички ишлар вазири - Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Сониий
Қирғизистон Республикаси Бош вазири - Соороббай Жээнбеков
Япония Бош вазири Уринбосари, молия вазири, парламентдаги Ўзбекистон билан дўстлик лигаси раиси - Таро Асо
Ислам ҳамкорлик ташкилати Бош котиби - Юсуф Ал-Усайимин
Ислам тараққиёт банки президенти - Бандар Хажар ЕХХТ Парламент ассамблеяси раиси - Кристин Муттонен
Миграция бўйича халқаро ташкилот бош директори - Ульям Лейси Свинг
Хитой миллий нефтгаз корпорацияси директорлар кенгаши раиси - Ван Илий

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида вилоятда янги ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 106,9 фоизни, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 106,8 фоиз, хизмат кўрсатиш ҳажми 116,3 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалигини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, фермер хўжаликлари экин майдонларини оптимallasштириш асосида йирикlaşтириш, уларнинг молиявий-иқтисодий аҳолини янада яхшилash лозим.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЕ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING СЕССИЯСИ

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Шаҳар ва қишлоқларда янги уй-жойлар, йўл ва хизмат кўрсатиш объектилари барпо этилmoқда.

Сирдарё иссиқлик электр станцияси, "Жиззах" эркин иқтисодий зонасининг Сирдарё филиали мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин тумоқда.

Сирдарёда асосий эътибор Сирдарё вилоятида амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга қаратилди.

Инсон ва унинг қадр-қиммати ҳар нарсадан устун

МУНОСАБАТ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар, аввало, инсон ва унинг фаровон турмуши учун йўналтирилди.

Ўтган йилларда тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида олиб борилган барча саъй-харакатларнинг туб негизи ва мазмун-моҳиятида "Ислоҳот - ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун" тамойили мустақамдир.

Ш.Мирзиёевнинг маърузасида Конституциямизда белгиланган инсон ҳуқуқлари устуворлиги роясини амалга ошириш борасида ислоҳотлар ҳақида билдирилган ҳам таҳлилий, ҳам танқидий руҳдаги мулоҳазалар халқ вакиллари сифатида биз, депутатларни яна бир қарра зиммамиздаги масъулиятни чуқурроқ хис қилишга чорламоқда.

Айниқса, маърузада қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларининг яратилиш борасида хали қилиниши лозим бўлган ишлар қўплиги, қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаётгани, уларнинг ижтимоий муносибатларни бевоисита тартибга солишдаги роли пастли-

гатузилмаларни янада ривожлантириш имконияти кенгайтилади. Бу борада Тошкент вилоятида барча имкониятлар мавжуд, деди давлатимиз раҳбари.

Пойтахт вилояти ерининг унумдорлиги, ҳосилдорлиги билан республикаимизнинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради. Бу имкониятдан самарали фойдаланиш учун ерни ҳақиқий деҳқонга, фермер бўламан, деб кўзи ёниб турган миришкорларга бериш керак.

Тошкент вилояти - катта иқтисодий салоҳиятга, улкан имкониятларга эга ҳудуд. Замонавий саноат тармоқларини ривожлантириш, халқаро бозорда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган қорхоналар барпо этиш

ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Экспорт қилувчи қорхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини экспорт фаолиятига жалб этишни муттасил ошириб бориш зарур, деди Президентимиз.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЕ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING СЕССИЯСИ

янги қорхоналар ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш бўйича белгиланган истиқболли лойиҳалар ижроси кўриб чиқилди.

Президентимиз вилоятда эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, мавжуд муаммолар ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтди.

Бугун Сирдарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши суръатлари бизни қониқтирмайди, деди давлатимиз раҳбари.

Вилоят иқтисодиёти ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, туманларни субвенциядан чиқариш,

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЕ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING СЕССИЯСИ

солида ҳам кўриш мумкин. Мана шунинг ўзи Сирдарё вилояти раҳбарларига берилган баҳодир. Бу нафақат вилоят раҳбарияти, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ҳам айби, лесак адолатдан бўлади.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмаётгани оқибатида уларнинг 930 таси фаолият кўрсатмаётгани танқид қилинди.

Маҳсулот ва хизматлар экспорти масаласи ҳам талаб даражасида эмас. Ўтган 11 ой давомида бу борадаги прогноз режаси 77,9 фоизга бажарилган.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтгани муносибати билан Ойбек Ашурматов Сирдарё вилояти ҳокими лавозимидан овоз қилинди.

Маъсулот ва хизматлар экспорти масаласи Президентимиз девоний масъул ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Гофуржон Мирзаев Сирдарё вилояти ҳокими этиб сайланди.



Шуҳрат ЯҚУБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

зарурлиги ҳақида таъкидланган тақлифларини фаолиятимизга хали етарлича татбиқ этдик, деб айтди олмаймиз.

Демавман, Ш.Мирзиёев маърузасида айтиб ўтилган жамият ривожига ров бўлаётган - коррупцияга қарши куралиши, халқимизнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш борасидаги устувор вазифалар ҳамда ижтимоий ҳаётимизда учраб турган муаммолар ва уларни бартараф қилишга қаратилган долзарб тақлифлар ҳар бир фуқаронинг тақдирига дахлдорлиги билан аҳамиятлидир.

Халқ депутатлари Кегейли туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари қонунлар ижросини таъминлаш орқали ҳудудда барча соҳаларни ривожлантириш, сайловчилар ишончини қозонишга интиломда.

Ечимини кутаётган масалалар

ҳал этилаётганидан фуқаролар мамнун

Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида фуқаролар томонидан билдирилган таклиф ва мурожаатлар эътиборга олиниб, уларда ўртага ташланган масалаларнинг ижобий ечим топиши учун бир қатор амалий ишлар қилинапти. Шу мақсадда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари номига киритилган депутатлик сўровлари натижасида масъул субъектлар билан ҳамкорликда қўрилган самараларга эришилмоқда.

Маълумки, аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларда катта-кичик ички йўллар, кўчаларнинг раво ва обод бўлиши асосий қўлайликлардан бири саналади. Айниқса, ички йўллардан кексалар ва болалар ҳам фойдаланишини назарда тутасан, маҳалла кўчаларининг раволиги, ҳаракат хавфсизлиги талабларига жавоб бериши нақадар муҳимлигини англаймиз.

11-сонли "Кўк-ўзак" сайлов округидан халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган депутат Қайратдин Бегжановга ушбу сайлов округи ҳудудидаги "Жалпақ жап" овул фуқаролар йиғини аҳолиси мазкур овулдаги йўлнинг 2 километр узунлигидаги қисми таъмирталаб экани ҳақида мурожаат этилди. Ушбу масала юзасидан К.Бегжановнинг туман йўллардан фойдаланиш ва таъмирлаш қўшма қўмитасига киритилган депутатлик сўрови тез орада ўрганиб чиқилди. Натижада овулдаги ички йўлда таъмирлаш ишлари амалга оширилди, кўча атрофлари обод этилди.

Инсонпарвар жамиятда ҳеч қим эътибордан четда эмаслиги қундалик ҳаётимизда барча амал қиладиган эзгу қадриятга айланган. Партия депутатлари ҳам бу каби қадриятларни эътиборга, ёрдамга эҳтиёжманд кишиларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга зарур ёрдамлар ташкил қилишни ҳам ўз маънавий

бурчи деб англайдилар. Депутатлик гуруҳи аъзоси Замира Сагидуллаевага "Дарвозақум" кишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи кам таъминланган фуқаро Анар Каримбердиева ўз соғлиғини тиклашда кўмак берилишини сўраб мурожаат этган эди. Ушбу мурожаат асосида З.Сагидуллаеванинг масъул муассасага киритилган депутатлик сўрови натижасида Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармакли тиббиёт маркази гематология бўлимига бепул даволаниши учун фуқаро А.Каримбердиевага йўлланма берилди. Ўз соғлиғини тиклашда ёрдам кўрсатилганидан А.Каримбердиева ва унинг яқинлари мамнун бўлишди.



Шунингдек, "Дарвозақум" ҚФЙнинг "Қанжигали" овул аҳоли пунктида истиқомат қиладиган фуқаролар тиббий ёрдам олишда "Дарвозақум" кишлоқ врачлик пунктига бориш учун йўл узоклик қиладигани, уларга тиббий хизмат кўрсатиш вазифасини ўзларига яқин ҳудуддаги 2-сонли поликлиника тасарруфига ўтказиш масаласида депутатлик гуруҳига мурожаат қилишди. Айни пайтда туман ҳокимлигига шу муаммони ҳал этиш ҳақида юборилган депутатлик сўрови мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Шарипа ТОРЕШОВА, Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

Масъулиятни англаб фаолият юритайлик

Халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоларини туманда кўпчилик яхши танийди ва уларга ишонади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки партия депутатлари жойлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда фаоллик кўрсатиб, туман аҳлининг эътирофига сазовор бўлиб келишмоқда.

— Партия аъзолари, хайрихоҳлари сафининг кенгайиши, аввало, депутатлар фаоллигига боғлиқ, — дейди мазкур депутатлик гуруҳи раҳбари, тумандаги 27-умумтаълим мактаби директори Акмал Ансаров. — Шунинг учун ҳам гуруҳимиз аъзолари партияимиз фойвасида мақсадларига доир тартибда тадбирларини амалий ишлар билан мустахкамлашга, эл-юрт ишончини қозонишга эътибор қаратишмоқда. Бу борада сайловчилар мурожаатлари юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб, уларда кўтарилган муаммолар ижобий ҳал қилинаётганини муҳим аҳамият қасб этмоқда. Муаммонинг эса катта-кичиги бўлмайди.

Жумладан, "Хўжа Хасан" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Қалъан Азизон" кишлоқида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар аҳоли хонадонларига электр энергияси етказиб бериш қоникарсиз ахволда эканлигини баён этган ҳолда, муаммони ижобий ҳал этишда ёрдам беришимизни сўраб мурожаат қилганди. Масалани атрофлича ўрганиб чиқдик. Маълум бўлишича, мазкур кишлоқ чекка ҳудудда жойлашган бўлиб, кейинги йилларда оилалар сонини кўпайганига боис бу ерда мавжуд трансформатор қуввати босимга дош беролмаётган экан.

Биз туман электр таъминоти идораси раҳбарига мазкур масала юзасидан депутатлик сўрови юбордик. "Қалъан Азизон" кишлоқидаги хонадонлар юқори қувватли электр трансформаторига улаб берилди.

Муҳимки, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи сайловчиларнинг бирор-бир мурожаатини эътибордан четга қолдирмапти, уларда кўтарилган муаммоларнинг ҳал этилишига жиддий масъулият билан қаралмоқда.

Партия гуруҳига "Сарой" маҳалласида яшовчи бир гуруҳ ота-оналар 6-сонли мактабга таълим муассасаси филиали биносини қайта реконструкция қилиш ва уни замонавий талаблар даражасида жиҳозлашда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб, мурожаат этган эди. Бу мурожаат ҳам атрофлича ўрганилди. Ўрганишлар жараёнида эски бинода жойлашган МТМ филиали биносини ва ундаги шароит

Бир сўз билан айтганда, партия депутатлари тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга оширишда ўз зиммасидаги масъулиятга яраша фаолият кўрсатишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Олим Хўжаев, "Адолат" мухбири

Жойларда мунтазам равишда ташкил этиб келинаётган учрашув ва мулоқотлар Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманларидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси депутатлик гуруҳларининг янада фаол ва самарали фаолият кўрсатишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ташаббускор депутатлар



Хусусан, халқ депутатлари Зомин туман Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, ҳар бир депутатнинг ўз сайлов округи ҳудудида қорхона ва ташкилотлар, таълим муассасаларида ўтказилаётган тартибдаги тадбирлар эътиборга молик. Бундай тадбирлар фуқароларнинг ўйлангандиган муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишда муҳим ўрин тутди.

Жорий йилнинг ўтган даврида фуқароларнинг мурожаатларида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида мазкур депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан тумандаги давлат ҳокимияти ва бошқа органлардаги мансабдор шахсларга юборилган 26 та депутатлик сўривидан 22 таси ижобий ечимини топти, қолганлари юзасидан ҳам ўрганишлар давом этмоқда.

Жумладан, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Санобар Алибекова "Ёшлик" маҳалласида яшовчи фуқаро Зулайхо Тўраеванинг мурожаатига асосан "Ёшлик" МФЙ раиси А.Қаршибоевга З.Тўраеванинг фарзанди учун нафақа тайинлаш масаласи юзасидан депутатлик сўрови киритди. Мазкур депутатлик сўровида кўрсатиб қўрилган масала фуқаролар йиғини ҳузуридаги ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси томонидан батафсил ўрганиб чиқилиб, фуқаро З.Тўраеванинг фарзанди учун нафақа пули тайинланди.

Депутатлик гуруҳи томонидан "Зоминтумангаз" филиали раҳбари номига тумандаги "Навоий" маҳалласи аҳолисига суюлтирилган газ етказиб берилишида тез-тез узлишлар бўлаётгани ҳақида юборилган депутатлик сўрови филиал маъмурияти томонидан ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Ҳозирда ушбу маҳалладаги 4861 нафар аҳоли истиқомат қиладиган 800 дан зиёд хонадонга суюлтирилган газ доимий равишда етказиб берилиши йўлга қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, депутатлик гуруҳининг сай-ҳаракати натижасида қасб-хунар коллежларини битирган ёшларнинг доимий иш билан бандлигини таъминлашда ҳам хайрли ишлар қилинмоқда. Жумладан, депутатлар кўмағида Зомин агросаноат қасб-хунар коллежи битирувчиси Сабоҳат Қўшбоқова "Пшағор" кишлоқидаги гўзаллик салоҳида ишга жойлаштирилган бўлса, Зомин тиббиёт коллежи битирувчилари Зарифа Анорбоева, Одина Мардова, Соҳида Дехқонова "Пшағор" кишлоқ врачлик пунктига патронаж ҳамшира этиб ишга жойлашдилар.

Депутатлик гуруҳи аъзолари хайрия ишларида ҳам ибрат кўрсатмоқда. Депутатлик гуруҳи ташаббуси билан туман ҳокимлиги кўмағида, хомийларини жалб қилган ҳолда ижтимоий химояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, депутатлар кўмағида "Пшағор" маҳалласидаги боқувчисини йўқотган ва ижтимоий химояга муҳтож оилалардан бирининг фарзанди Шерқўзи Маматқулловнинг никоҳ тўйи, набиралари Асадбек ва Асилбекларнинг суннат тўйи ўтказилди.

— Депутатлик гуруҳимиз томонидан фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда хомийларни жалб қилган ҳолда бир қатор хайрия тадбирлари амалга оширилди, — дейди халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Шуҳрат Тўраев. — Хусусан, тумандаги боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган Ойитлла Маллаева, Мамлакат Хакбердиева, Несибали Аллаева, Муҳаббат Шералиева, Гулшола Сиддиқова, Бувисора Хонтўраева оилалари ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам берилди.

Шунингдек, партия депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлиги натижасида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти янада юксалиши ва ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ошишига қаратилган тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. Партия депутатлари кейинги йилларда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, партиянинг Сайловолди дастури ва ижтимоий лойиҳалари доирасида аҳоли ўртасида тартиб-ташвиқот ишларини қучайтириш юзасидан тизимли фаолият олиб боришмоқда.

Айни кунларда депутатлик гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги "2015-2019 йиллар учун муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва замонавийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорининг тумандаги ижросини ўрганиб, натижалар юзасидан халқ депутатлари Зомин туман Кенгашига маълумотлар тақдим этилди. Ушбу масала маҳаллий Кенгашнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилиш учун тайёрланмоқда.

Зеро, ўз ваколати доирасида самарали фаолият юритиш депутатлик гуруҳи аъзоларининг янада фаол, ташаббускор бўлишини тақозо этади.

Замира АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Узоқбой РИСКУЛОВ, Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

Электорат манфаатлари рўёбга чиқмоқда

Ҳудудларда партияимизнинг дастурий фойвасида мақсадларини рўёбга чиқаришда асосий механизмлардан бири бўлган депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлиги, фаоллигини ошириш муҳим вазифа саналади.



Халқ депутатлари Янгиариқ туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам ўртага қўйилган ҳар бир муаммонинг ҳал этилиши, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилишини чуқур англайдилар.

Мазкур депутатлик гуруҳи раҳбари Тўхтасин Отажоновнинг таъкидлашича, партия гуруҳи аъзоларининг сайловчилар билан доимий мулоқотда, яқин алоқада иш олиб бораётгани ўз натижаларини бериб келмоқда.

Очик мулоқотларда фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга асосан депутатлик гуруҳи аъзоси Отаазар Рўзметов масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда хайрли ташаббусни амалга оширди. Натижада мутасадди ташки-

лотлар ва хомийлар кўмағида "Гулланбоғ" кишлоқи "Вакиллар" маҳалласида гузар ва 700 ўринга мўлжалланган тўйхона, аёллар учун гўзаллик саломи, саргарошхона ва бошқа маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари, ошхона, озиқ-овқат дўкони ишга туширилди.

— Айни пайтда бу хайрли ишлар туфайли шу ерлик 20 нафарга яқин киши иш билан таъминланганлиги ҳам эътиборга молик, — дейди О.Рўзметов. — Шунинг баробарида фуқароларнинг турмуш шароити кундан-кунга яхшиланаётгани биз депутатларни янада ташаббускорликка чорламоқда.

Шу билан бирга, сайловчиларнинг айрим ички йўллардаги носозликларни бартараф этиш хусусида қилган мурожаатига асосан депутатлик гуруҳи томонидан туман ободонлаштириш бошқармаси раҳбари номига киритилган депутатлик сўровини тез орада мутахассислар ўрганиб чиқилди. Натижада "Вакиллар" маҳалласидаги ички йўлларнинг 4 километрга яқин қисми таъмирланди.

Маълумки, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда йўл белгиларининг ўрнатилиши жуда муҳим ўрин тутди. Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида айрим йўллар, ички кўчаларда ана шундай белгиларни ўрнатиш-

га эҳтиёж борлиги аён бўлапти. Депутатлик гуруҳи томонидан вилоят ички ишлар бошқармасига киритилган депутатлик сўровида ҳам ана шу масалалар қайд этилди. Ўрганишлар самара бериб, 22-умумтаълим мактаби ёнида ўтувчи Хонқа — Янгиариқ марказий йўлининг шу қисмига пиёдалар ўтиш жойини кўрсатувчи белгининг ўрнатилиши нафакат болалар, балки барча йўловчилар учун ҳам қўлайлик яратди. Шунингдек, "Гулланбоғ" кишлоқидаги кишлоқ чегараси йўл белгиси ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси олдига "Сигнал" бериш таққиланади" мазмунини билдирувчи белги ўрнатилди.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимояси

» «АДОЛАТ» ШАРҲИ

Ўзбекистонда давлат мустақиллигига эришилгач, суд ҳокимиятининг фаолияти жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатиш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишга қаратилмоқда.

Маъмур фармоннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида 21 октябрда "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштиришни, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишни янги сифат босқичга кўтарди, десак муболага бўлмайд.

Кўриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мувожазларини кўриб чиқиш тартибини бузмаслик ва сансалорликка йўл қўймаслик, унингдан тегишли ахборотни ўз вақтида жамоатчиликка етказиш орқали фаолиятнинг очиллиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳоли билан ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, тўғривидан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали тизимли камчилик ва қонунбузилишларни аниқлаш ва бартараф этиш, иш фаолиятга илгор илмий-техника воситалари, ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, бешинчидан, идоравий назоратни кучайтириш, ходимлар ўртасида сунестемолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, кадрлар тарқибини сифат жиҳатидан яхшилаш, кадрларни танлашда энг муносиб номзодларни ишга қабул қилиш таъминлайдиган замонавий механизмларни жорий этиш амалиётида белгилади.

» ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Жамиятнинг тараққиёти, амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп ҳиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалишига ҳам боғлиқ. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини яхши билиши, ҳуқуқий ҳужжатлардан вақтида хабардор бўлиши, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга ўз муносабатини эркин билдира олиши, қонунларга сўзсиз риоя этиб, бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳам ҳурмат қилиши лозим.

Демократик жамият пойдевори

Маълумки, истиклол йилларида республикада аҳолининг ҳуқуқий билими ва тарбиясини юксалтиришга йўналтирилган қатор меърий ҳужжатлар қабул қилинди ва ҳаётга татбиқ этилди. Шунинг баробарида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий муносабатларнинг мустахкам қонунчилик асослари такомиллашиб бормоқда. Бу жараёнда фуқаролар ҳам фаол иштирок этмоқда. Энг муҳими, ҳуқуқий давлатнинг асосий принципи ҳисобланган қонун устуворлигини таъминлаш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси иштироки зарурлигини фуқароларнинг ўзлари тўлиқ англаб етмоқда.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданият аҳолининг умумий билим даражасини акс эттириб, жамиятнинг ҳуқуқ нормаларига ҳолисона ёндашувида намоён бўлади. Шунингдек, ҳуқуқ нормаларини билиш ва уларга риоя қилиш, ижтимоий, илмий аъёнлар ҳамда жамият ва давлат манфаатларини акс эттирувчи турли қонун нормаларига онгли муносабатда бўлиш ҳам аҳолининг ҳуқуқий маданиятини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Шайх ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти жамиятнинг ҳуқуқий маданияти даражасини кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб, шахс ҳуқуқий фаолиятининг ривожлангани ва ҳуқуқ нормаларига ўз фаолияти доминида қанчалик риоя этишида намоён бўлади.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражаси юксаклиги ҳар бир фуқаронинг манфаатига хизмат қилиши билан бирга ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида доллар босқичи аҳолига эга саналади. Қонунларни билиш, уларга амал қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этишга интилиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол қатнашиш, умуман, ушбу йўналишдаги тарғибот-ташвиқот тадбирларини изчил рўйбега чиқариш орқали фуқароларнинг ҳуқуқий онги, маданияти тобора юксалиб бораётган. Зеро, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қайд этилганидек, юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Азиза ҚУВОНДИҚОВА, Олмazor тумани 7-сонли ДНИ нотариуси

рини мустахкам ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга оид принципал янгиликлар назарда тутилмоқда. Жумладан, фармонга мувофиқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, касбий нуфузини ошириш, юқори малакали ва самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида судьялик лавозимига биринчи марта беш йил муддатта ва кейин ўн йил муддатта, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш)ни назарда туғуви тартип жорий этилади.

Киритилаётган бу ўзгаришлар халқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илгор тажрибасига тўлиқ мос келади. Масалан, БМТнинг "Суд органлари мустақиллигига оид асосий принциплари"нинг 10.12-бандларида тайинланадиган ва сайланадиган судьяларнинг мажбурий пенсия ёшигача бўлган ваколат муддатлари кафолатланган бўлиши лозимлиги мустахкамлаб қўйилган. Энг муҳими, бундай тартибнинг жорий этилиши судларнинг мустақиллигини таъминлайди, ўз навбатида, фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликларини, суд ҳокимиятини давлат ҳокимиятининг бошқа органлари таъсиридан ҳимоя қилинишига замин яратди.

Фармонда жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш ва уй қамони тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилиши суриштирув ва тергов органлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўли билан фуқароларимизнинг эркинлигини асосий равишда чеклаш ҳолатларини ҳимоя қилади.

Эъло қилинган фармон фуқаролар шахсий эркинлиги кафолатлари ҳаққоний амалга оширилиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, унинг ҳуқуқий ҳимояланганлигининг юқори даражасини таъминлашга хизмат қилади. Чунки ушбу фармон "Хабас корпус" институтини янада кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг давом эттирилади. Булар қаторида почта телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва мурдани экзгумация қилиш каби дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишга санкция бериш прокурорлардан судлар ваколатига ўтказилди.

Бинобарин, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини суриштирув ва дастлабки тергов даврида чекловчи барча процессуал ҳаракатлар устидан назорат айнан суд томонидан амалга оширилиши зарур. Зеро, жиноят ишлари юритувчи субъектлар ичида фақат судгина айбловдан манфаатдор эмас ва ҳеч қандай тергов механизмларига тобе эмас. Суднинг тергов қонунчилиги устидан назорати ўзининг табиати қўра, ҳолис ва адолатлидир.

Суд назорати эса судга қадар босқичларда тортишув принципининг реал таъминлашига, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишига ҳамда тергов ҳатоларини ўз вақтида аниқлаб бартараф этилишига хизмат қилади. Энг муҳими, маъмур институтининг татбиқ этилиши шахс эркинлигини ҳимоя қилиш борасида умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари амалда таъминлашини кафолатлайди.

Бундан ташқари, фармонда судда иш юритиш тезкорлиги ва сифаатини ошириш масалаларига қатта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, судларга қамоққа олиш ёки уй қамони тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилган тақдирда муқоабаларнинг қорасини қўллаш имконияти берилмоқда. Шунингдек, судларнинг жиноят процессидаги ролини оширишга қаратилган янгилик сифатида суд томонидан жиноят ишлари қўшимча терговга қайтариш институти беқор қилинмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди назорат инстанцияларида тақ-

дорланувчи функцияларнинг чиқариб ташлашни, назорат тартибда ишларни кўриб чиқишнинг фақатгина Ўзбекистон Республикаси Олий Суди судлов ҳайъатлари ва раёсатига юрлатилиши, шунингдек, ҳўжалик судлари тизимида минтакавий апелляция судларининг ташкил этилиши суд фаолияти тезкорлигини оширади, процесс иштирокчиларини ортинча овоза қилиш ҳолатларининг олдини олади ҳамда чиқарилаётган суд ҳужжатлари сифатини оширади.

Фармон билан электрон тартибда суд ва ижро иши юритишнинг замонавий шакл ва усуллари, одил судловга эришишнинг илгор механизмларини жорий этиш орқали одил судлов сифатини ошириш масаласи белгилаб ўтилган. Бу борасидаги ташаббуснинг амалга оширилиши суд фаолиятининг самарадорлигига, шунингдек, "Электрон ҳуқуқат тўғрисида"ги қонунни амалга ошириш доирасида одил судловнинг жамоатчилик учун очиллиги, шаффофлиги ва эркинлиги принципларини ҳаётга изчил татбиқ этишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ва туб ўзгаришларнинг самарали амалга оширилиши ҳамда қонунчиликнинг таъминлашда юридик хизматлар ролини кучайтириш зарурлигини инобатга олган ҳолда, фармонда давлат органларининг юридик хизматлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир аниқ чора-тадбирлар назарда тутилган.

Маъмур дастурий ҳужжатнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустахкамлашга хизмат қилади.

Худойер МАМАТОВ, Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

“Адолат” СДП Наманган вилоят ташкилотиди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” номли маърузасини атрофлича ўрганишга киришилди.

Келажак дастуриламали

Сешанба кунини ўтказиладиган аънанавий “Партия соати” кун тартибидида биринчи масала ҳам шу ҳақда бўлди. Айниқса, 2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган ҳамма ерда мамунуни билан қутиб олинган алоҳида қайд этилди. Тадбир қатнашчилари ҳақиқатни ҳамма нарсадан устун қўйиш, адолатпарварлик, юрт манфаатининг устуворлигини таъминлаш каби элимизга хос қадриятлар эзуликка хизмат қилаётгани, бу эса тараққиёт сари олиб борадиган энг тўғри йўл эканлиги ҳақида сўз юритдилар.

Биз тадбир қатнашчиларининг фикрлари билан кизиқдик. Олимжон МАКСУДОВ, Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати: — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузасида олға сурилган янги ғоялар ва вазиқлар кўпчилик қатори наманганлик партиядошларимизга ҳам маъқул тунди. Чунки эндики ҳар бир жумла эркин, адолатли ва фаровон жамият барпо этиш, унда одамларнинг бахтли турмуш кечирини таъминлаш ҳақидаги ғамхўрлик билан суғурилган яққол акс этди.

Маърузада Асосий қонунимизнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳам қайд қилинди. Бу эса эркин ва демократик фуқаролик жамияти барпо этишнинг зарур шарти эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Яқинда ўтказилган Ўзбекистон Президентини сайловини ҳам шундан далolat беради.

Абдували МАВЛАНОВ, Норин туман тиббиёт бirlашмаси бошлиғи: — Президент Шавкат Мирзиёевнинг маърузасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига жиддий эътибор берилганлигини бошқа ҳамкасбларим қатори алоҳида эътибор билан қузагдим. Хусусан, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил этилди. Бу борада нафақат тиббий хизмат даражасини юксалтириш, балки аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, турмуш шароитларини яхшилаш каби масалаларнинг аҳамияти ҳам таъкидланди.

Биз жамоамиз вакиллари билан маърузани ўқиб-ўрганар эканмиз, фаолиятни янада такомиллаштириш билан боғлиқ қатор йўналишларини белгилаб олдик. Улар орасида касалликларнинг олдини олиш, аҳолига патронаж хизмати кўрсатишни яхшилаш, шонилинч тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш кабиларни тилга олиш мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзлари ҳам юрагимга ўрнашиб қолди: “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни, аввало, барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур”. Маъмур вазиқани амалга ошириш орқали, ҳеч шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳам янада тўлароқ рўйбега чиқади. Бу келажакнинг дастуриламали ҳисобланади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, “Адолат” муҳбири

» «ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ КУНЛАРИ” ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Қиш фасли бошланиб, ҳаво кескин совиб кетиши билан халқимизнинг иссиқлик манбаларига бўлган талаби янада ошиб бориши табиий ҳолдир. Бироқ иситиш анжомларидан хавфсиз, тўғри ва оқилона фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади.

Маълумки, 2016 йилнинг 10 ноябидан 2017 йил 10 январигача мамлакатимиз бўйлаб “Ёнгин хавфсизлиги кунлари” ўтказилмоқда. Бундай чора-тадбирлар замирида халқимиз манфаати, ҳаёти ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш мақсади муҳассама. “Ёнгин хавфсизлиги кунлари”да республикадаги барча санавот қорхоналари қатори Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Кези келганда таъкидлаш лозим, ўтган 2015 йил якунига асосан “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” доирасида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини намоён этиш мақсадида ўтказилган таълим ва йирик санаот қорхоналари ўртасида бизнинг заводимиз фахрли биринчи ўринни эгаллаган эди. Ёнгиннинг олдини олишга қаратилган вазиқларнинг ижросини таъ-



минлаш мақсадида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи “Ёнгин хавфсизлиги кунлари”да фаол иштирок этишнинг ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Маъсул раҳбар ва бош мутахассислар тайинланди ҳамда уларга, цех ва бўлим бошлиқларига бади-жариладиган ишлари белгилаб берилди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва унга қарашли масканларда ишчи-хизматчиларнинг хавфсизлигини, уларнинг билим ва салохиятидан кенг қўламада фойдаланган ҳолда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни янада такомиллаштириш, ходимлар ўртасида ёнгин хавфсизлиги масалаларига онгли муносабатини шакллантириш, ёнгин хавфсизлиги қондаларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида “Юқори натижа ва яхши кўрсаткичларга эришган ва ёнгин хавфсизлигини таъ-

рининг ёнгин хавфсизлигини таъминлашдаги фаоллиги ҳамда масъулияти оширилди. Заводда “Ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилинг”, “Ёнгин хавфсизлиги кунлари ўтказилмоқда” каби қўрғамали бурчаклар ҳам ташкил этилди.

Ўтказилаётган барча тадбирларда давлат ёнгин назорати органлари ходимлари иштирок этмоқда ва уларнинг бевосита ташкилотчилиги остида ишчи-хизматчиларнинг факулдадаги ҳолатларда, айниқса, ёнгин содир бўлиб қолганда одамларни эвакуация қилиш, захира йўлидан фойдаланиш, ҳаракатланиш тартиб-қондаларини ўргатувчи машқлар олиб борилаётганини эътиборга моликдир. Бу машқ ва машғулотлар давомида ишчи-хизматчиларнинг бошланғич давриддек бирламчи ўчирувчи воситалар ёрдамида бартараф этиш қондалари ўргатилмоқда.

Азиз юртдошлар ва ҳамкасблар! Ёнгинни келтириб чиқарувчи омилларга ва ёнгин хавфсизлиги қондаларига бeфapқ бўлмайлик. Муқаллас юртимиз, бағрикенг халқимизнинг осуда, тинч ҳаёти, оиламиз ва юртимиз фаровонлиги ва порлоқ истикболи учун садақат билан хизмат қилиш барчамизнинг энг шарофати бурчимиздир.

Л.АБДУКАРИМОВ, “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” УК маъмурий хўжалик бўлими бошлиғи

